



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ИҚТИСОДИЁТ ВА МОЛИЯ ВАЗИРИНИНГ  
БҮЙРУГИ

**Бухгалтерия ҳисобида хужжатлар ва хужжат айланиши тўғрисидаги низомга ўзгаришишлар  
киритиш ҳақида**

Ўзбекистон Республикасининг “Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида”ги Қонуни ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 10 ноябрдаги ПҚ-419-сон “Ҳисобот тақдим этиш ва архив хужжатларини сақлаш тартиб-таомилларини мақбуллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига мувофиқ буюраман:

1. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2003 йил 23 декабрдаги 131-сон буйруғи (рўйхат рақами 1297, 2004 йил 14 январь) (Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами, 2004 й., 1-2-сон, 24-модда) билан тасдиқланган Бухгалтерия ҳисобида хужжатлар ва хужжат айланиши тўғрисидаги низомга иловага мувофиқ ўзгаришишлар киритилсин.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Мазкур буйруқ иловасининг 4-банди 2023 йилнинг 30 апрелидан кучга киради.

Ўзбекистон Республикаси  
Иқтисодиёт ва молия вазiri

Тошкент ш.,  
2023 йил 06 март,  
3-сон



SH.D.KUDBIEV

Ўзбекистон Республикаси  
иқтисодиёт ва молия вазирининг  
2023 йил 6 марта  
3-сон буйруғига  
ИЛОВА

**Бухгалтерия ҳисобида хужжатлар ва хужжат айланиши тўғрисидаги низомга киритилаётган ўзгартиришлар**

1. 1-банддаги “бошқа” деган сўз “нобанк” деган сўз билан алмаштирилсин.

2. 3-банд қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

“3. Тегишли техник воситалар мавжуд бўлганда, бошлангич хужжатларни ва регистрларни, шунингдек товар-моддий захиралар, пул маблағлари ҳамда иш берувчининг ходимлари билан боғлиқ бўлган ички хўжалик операциялари бўйича қатнашчиларни идентификациялашни таъминлаган ҳолда тузилган ҳисоб ҳужжатларини ахборот тизимлари хизматлари ва ахборот технологиялари орқали юритишга йўл қўйилади. Бунда, мазкур Низом ва бошқа норматив-хуқуқий ҳужжатлар талабларига риоя қилиниши лозим.”.

3. 25 ва 26-бандлар қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

“25. Бухгалтерия ҳисобини ташкил этиш ҳамда юритиш билан боғлиқ ҳужжатлар қонунчиликда белгиланган муддатлар мобайнида, бироқ ҳисбот йилидан кейин камидан беш йил бухгалтерия ҳисоби субъекти томонидан сақланади.

Бунда:

2022 йил 1 январдан кейин ҳисобланган жисмоний шахсларнинг иш ҳақи ва бошқа даромадлари ҳамда улар бўйича ҳисобланган солиқ суммалари тўғрисидаги ҳужжатлар;

давлат солиқ хизмати ва статистика органларига электрон тарзда топширилган молиявий, солиқ ва статистика ҳисботлар;

солиқ органининг автоматлаштирилган ахборот тизимлари орқали электрон шаклда расмийлаштирилган ҳужжатлар мажбурий сақланмайди ва архивга топширилмайди.

26. Бошлангич ҳужжатлар, ҳисоб регистрлари, молиявий ҳисботларни бут сақланиши корхона раҳбари томонидан таъминланиши шарт.”.

4. 34-банднинг биринчи хатбошисидаги “Меҳнат кодексининг 203-моддасида” деган сўзлар “Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 343-моддасида” деган сўзлар билан алмаштирилсин.